



# ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2022 yil « 31 » май

№ПФ-145

## **Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлашга ва монополияга қарши чораларнинг таъсирчанлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Республика аҳолисининг алоҳида турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини кафолатли таъминлаш, ички истеъмол бозоридаги ижтимоий аҳамиятга эга товарлар нархлари сунъий ва асоссиз оширилишининг олдини олиш, шунингдек, тариф ва нотариф тартибга солиш воситаларини кенг қўллаш ҳисобига уларнинг инфляция даражасига салбий таъсирини юмшатиш мақсадида:

**1. Белгилансинки, 2022 йил 1 майдан бошлаб 2023 йил 1 январга қадар:**

**1-иловада келтирилган** товарларни олиб киришда божхона божларининг ноль ставкалари белгиланади;

савдо-иқтисодий муносабатларда энг кўп қулайлик бериш режими назарда тутилмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан божхона божининг икки баравар ставкаси қўлланилмайди.

**2. Қуйидагиларни 2022 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш (экспорт қилиш) вақтинчалик тақиқлансин:**

Ўсимлик ёғи, шу жумладан пахта, кунгабоқар ёғи, бундан амалдаги контрактлар (шартномалар) доирасида 2022 йил 1 июнга қадар олдиндан тўловлар амалга оширилган ҳолатлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “божхона ҳудудида қайта ишлаш” божхона режимида қайта ишланганлари мустасно;

кунгабоқар уруғлари (ТИФ ТН коди 1206 00) ҳамда бошқа ёғ ўсимликларининг уруғлари ва мевалари (ТИФ ТН коди 1207), бундан қонунчиликда белгиланган ҳолатлар мустасно.

Вазирлар Маҳкамасига мазкур товарларнинг ички бозорда етарли ҳажми мавжуд бўлган тақдирда, ушбу бандда кўрсатилган товарлар экспортини қайта тиклаш ҳуқуқи берилсин.

**3.** Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан биргаликда зарур ҳолларда озиқ-овқат хавфсизлиги, мамлакат аҳолисининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражаси ҳамда ички бозорда нарх барқарорлигидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига экспорт қилиш вақтинча чекланаётган айрим турдаги озиқ-овқат товарларининг (шу жумладан уларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашёнинг) рўйхатини ўзгартириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифлар киритиб борсин.

**4. Белгилансинки, 2023 йил 1 январга қадар қуйидагилар:**

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 январдаги “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 41-сон қарорида назарда тутилган давлат буюртмачилари томонидан давлат харидлари доирасида импорт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш бўйича чекловлар;

Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган озиқ-овқат маҳсулотларини давлат тилида мажбурий маркировка қилиш тартиби вақтинчалик тўхтатилади.

**5.** Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда:

а) бир ой муддатда Тариф ва нотариф тартибга солиш кенгашининг тавсиялари асосида **ноозиқ-овқат маҳсулотларига божхона божлари ставкаларини пасайтириш;**

б) 2022 йил 1 августга қадар мавсумий нарх тебранишлари ва бозорда танқислик юзага келганда умумий давлат захиралари меъёрини сақлаб қолган ҳолда Давлат захираларини бошқариш қўмитасига тегишли омборларнинг бўш турган қувватларига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш орқали **асосий озиқ-овқат маҳсулотларини қўшимча жамлаш ва очиқ бозорга интервенция қилиш механизмини жорий қилиш;**

в) 2022 йил 1 сентябрга қадар халқаро молия институтлари ва илмий ташкилотларнинг экспертларини жалб қилган ҳолда **божхона божларининг самарали ставкаларини белгилаш, шунингдек, товарларнинг божхона қийматини аниқлаш тартибини такомиллаштириш** бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига қуйидаги қўшимча ваколатлар берилсин:

а) асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг **кескин тебраниши** даврида:

устун мавқени суиистеъмол қилиш, келишиб қилинган ҳаракатлар ва тил бириктиришлар, шунингдек, биржа савдоларига мажбурий қўйилиши керак бўлган монопол ва юқори ликвидли маҳсулотларни тўлиқ ҳажмда чиқармаслик ва таклифни қисқартирганлик, манипуляциялар, товар ёки молия бозорининг барқарор фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилиш аломатлари аниқланганда охириги календарь йилидаги товарлар (хизматлар)ни сотишдан тушган тушумидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларига ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиш. Бунда, тақдимноманинг узрсиз сабабларга кўра бажарилмаслиги монополияга қарши курашиш органининг кўрсатмасини бажармаслик учун белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради;

нархларнинг асоссиз ўсиши, келишиб қилинадиган ҳаракатлар ва тил бириктиришлар ҳолатларини аниқлаш учун Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор этган ҳолда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларнинг биноларига бевосита кириш ҳамда **омбордаги мавжуд захираларини** хатловдан ўтказиш;

мазкур банднинг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган тартибда ўтказилган хатловда аниқланган озиқ-овқат маҳсулотларининг ортиқча ҳажмини савдога чиқариш, асоссиз оширилган нархларни пасайтириш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган **тақдимнома ва кўрсатмалар киритиш**.

Бунда, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг **кескин тебраниш** даври, ушбу маҳсулотларнинг нархи охириги 30 кунгача бўлган даврда Марказий банкнинг асосий ставкасига тенг ёки ундан юқори даражада ошганда, 6 ойгача бўлган муддатга Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

б) инсон саломатлиги, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки учун хавфлилиги ва сифатсизлиги аниқланган товарларни ишлаб чиқариш, республика ҳудудига импорт қилиш, реализация қилишни **тўхтатиш**, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан мажбурий равишда қайтариб олиш тўғрисида ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларга кўрсатмалар киритиш;

в) истеъмол товарлари савдосига ихтисослашган савдо комплекслари, тармоқлари ва бозорларда:

асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини манипуляция қилиш, асоссиз ва сунъий ошириш, уларга бўлган танқислик ва ажиотаж талабни вужудга келтиришга қаратилган ғайриҳуқуқий ҳаракатларни;

асосий озиқ-овқат маҳсулотларига нарх-навони шакллантиришнинг белгиланган механизмларига риоя этилишини;

бозорлар ва савдо тармоқларига кириш бўйича сунъий тўсиқлар ва чекловларни **аниқлаш (ўрганиш) ва уларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш.**

Монополияга қарши курашиш қўмитаси **икки ой муддатда** мазкур бандда келтирилган қўшимча ваколатларни амалга ошириш бўйича тартибни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**7. Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппаратида 12 та штат бирлигидан иборат Истеъмол бозорларида нархларни мониторинг қилиш департаменти** ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ҳудудий бошқармаларида жами 42 та штат бирлигидан иборат истеъмол бозорларида нархларни мониторинг қилиш бўлимлари ташкил қилинсин ва уларнинг асосий вазифалари этиб ички бозорда истеъмол товарларининг нархларини, импорт концентрациялашувини, тариф ва нотариф чораларнинг нархларга таъсирини таҳлил қилиш ҳамда савдо фаолиятида рақобатни таъминлаш белгилансин.

Бунда, ушбу штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 мартдаги “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–89-сон Фармонида асосан адлия органларининг қисқартирилган штат бирликлари ҳисобидан ажратилади.

**8. Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Молия вазирлигининг қўйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:**

а) рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузганлик учун Давлат бюджетига ундирилган молиявий жарималар суммасининг 50 фоиз миқдоридаги маблағларни Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига йўналтириш.

Бунда, Молия вазирлиги ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 10-санасига қадар Монополияга қарши курашиш қўмитаси сўровномасига асосан рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузганлик учун Давлат бюджетига ундирилган молиявий жарималар суммасининг 50 фоиз миқдоридagi маблағларни Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига ўтказди;

б) Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги “Ахборот технологияларини жорий этиш маркази” давлат унитар корхонасини ташкил этиш.

Бунда, “Ахборот технологияларини жорий этиш маркази” давлат унитар корхонаси фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб унинг асосий фаолиятдан олинган даромадлар, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

**9.** Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига маълумотлари базасидан реал вақт режимида фойдаланиш рухсат этиладиган давлат органлари ва ташкилотларнинг рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда мазкур Фармонга 2-иловада кўрсатилган давлат органлари ва ташкилотларнинг маълумотлар базаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ахборот тизимига интеграция қилинишини таъминласин.

**10.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**11.** Монополияга қарши курашиш қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

**12.** Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси Ш.Ш. Шарахметов ва молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2022 йил якуни билан ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

**2022 йил 1 майдан бошлаб 2023 йил 1 январга қадар импорт божхона  
божининг ноль ставкалари белгиланадиган товарлар  
РЎЙХАТИ**

Т/р	ТИФ ТН коди	Товарнинг номланиши
1.	0206	Янги, совутилган, музлатилган йирик шохли қорамоллар, қўйлар, эчкилар, отлар, хачирларнинг истеъмол қилинадиган субмахсулотлари
2.	0301 - 0303	Балиқ
3.	0304	Балиқ филеси
4.	0305	Қуритилган, тузланган ёкм дудланган балиқ
5.	0402	Шакар ёхуд бошқа ширин таъм берувчи моддалар қўшилган қуюлтирилган сут ва қаймоқлар;
6.	0405	Сариёғ ва сутдан тайёрланган бошқа мойлар ва ёғлар; сут пасталари
7.	0407	Пўчоқли, янги, консерваланган ёки қайнатилган парранда тухумлари
8.	0803	Бананлар, шу жумладан янги ёки қуритилган плантайнлар
9.	0805 (0805 50 100 0 дан ташқари)	Янги ёки қуритилган цитрус мевалари (лимондан ташқари)
10.	0901	Қовурилган ёки қовурилмаган, кофеинли ёки кофеинсиз қаҳва; кофе қобиғи ва қаҳва доналарининг қобиғи; ҳар қандай нисбатдаги қаҳвани ўз ичига олган қаҳва ўрнини босувчилари
11.	0902 10 000 1, 0902 30 000 1	бир марталик қадоқдаги нетто оғирлиги 3 кг дан ошмайдиган бирламчи қадоқлардаги чой
12.	0902 10 000 9, 0902 30 000 9	нетто оғирлиги 3 кг дан ошмайдиган бирламчи қадоқдаги бошқа чой
13.	1507	Кимёвий таркиби ўзгартирилмаган ҳолда тозаланган ёки тозаланмаган соя ёғи ва унинг фракциялари
14.	1508	Кимёвий таркиби ўзгартирилмаган ҳолда тозаланган ёки тозаланмаган ер ёнғоқ ёғи ва унинг фракциялари
15.	1511	Кимёвий таркиби ўзгартирилмаган ҳолда тозаланган ёки тозаланмаган пальма ёғи ва унинг фракциялари
16.	1514	Кимёвий таркиби ўзгартирилмаган ҳолда тозаланган ёки тозаланмаган рапс (рапсдан ёки колзадан) ёки хантал ёғи ва уларнинг фракциялари

Т/р	ТИФ ТН коди	Товарнинг номланиши
17.	1516	Тўлиқ ёки қисман гидрогенезирланган, қайта этерифицияланган, реэтерифияланган ёки элаидинизайияланган, тозаланмаган ёки тозаланган, лекин кейинги ишлов берилмайдиган ҳайвон ва ўсимлик ёғлари ва мойлари ва унинг фракциялари
18.	1517	Маргарин; ҳайвон ёки ўсимлик ёғи ёки мойлардан ёхуд ушбу гуруҳдаги турли хил мойлар ёки ёғларнинг фракцияларидан тайёрланган истеъмол қилишга яроқли бўлган аралашмалар ва тайёр маҳсулотлар, 1516 товар позициясидаги озиқ мойлари ёки ёғлари ёхуд уларнинг фракцияларидан ташқари
19.	1901	Солод экстракти; Таркибида какао бўлмаган ёки тўлиқ ёғсизлантирилган асосда қайта ҳисобланганда 40% дан кам какао бўлган бошқа жойда кўрсатилмаган ёки киритилмаган майин ёки йирик майдаланган ун, ёрма, крахмал ёки солод экстрактдан тайёрланган тайёр озуқа маҳсулотлари; 0401 - 0404 товар позицияларидаги хом ашёлардан, таркибида какао бўлмаган ёки тўлиқ ёғсизлантириш асосида қайта ҳисобланганда 5% дан кам какао бўлган, бошқа жойда кўрсатилмаган ёки киритилмаган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари
20.	1903 00 000 0	Ёрмалар, гранулалар, шарлар, доналар ёки шунга ўхшаш шаклларда крахмалдан тайёрланган тапиока ва унинг ўрнини босувчилари
21.	1904	Ёрмалар донлари ёки донли маҳсулотларини (масалан, маккажўхори донлари) шишириш ёки қовуриш орқали олинган тайёр озиқа маҳсулотлари; ёрма шаклидаги ёхуд дон ёки бошқа усулда тайёрланган (майин ва йирик майдаланган ун, ёрмадан ташқари), дастлабки тарзда қайнатилган ёки бошқача усулда тайёрланган, бошқа жойда кўрсатилмаган ёки киритилмаган ёрма шаклидаги дон (маккажўхори донларидан ташқари)
22.	2102 10 310 0, 2102 10 390 0	Хамиртуруш



**Монополияга қарши курашиш қўмитасига ва унинг ҳузуридаги  
Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига маълумотлар  
базасидан реал вақт режимида фойдаланиш рухсат этиладиган  
давлат органлари ва ташкилотлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги
4. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги
5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги
6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
7. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги
8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
9. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги
10. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси
11. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
12. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси
13. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
14. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
15. Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги
16. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги
17. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
18. Ўзбекистон Республикаси Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги

19. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги
20. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги
21. “Fond bozorining axborot-resurs markazi” ДУК
22. “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ
23. “Ҳудудгазтаъминот” АЖ
24. “Ўзсувтаъминот” АЖ
25. “Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси” АЖ

*\* Реал вақт режимда маълумотлар базасидан фойдаланишга рухсат дастурий комплекс функцияларига ва маълумотлар базаси таркибига аралашиниш ҳуқуқисиз берилади.*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси  
Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш  
ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги ПФ–101-сон Фармонида:

а) 5-бандда:

“б” кичик банднинг олтинчи хатбошисидаги “бир ой муддатда” сўзлари “2022 йил 1 июлга қадар” сўзлари билан алмаштирилсин;

“в” кичик банднинг бешинчи хатбошисидаги “икки ой муддатда” сўзлари “2022 йил 1 июлга қадар” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 9-илованинг 11 ва 12-позициялари “Ижро муддати” устунидаги “июнь” сўзи “июль” сўзи билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–4126-сон қарорида:

а) 2-бандда:

биринчи хатбошидаги “242” ва “75” рақамлари тегишинча “401” ва “96” рақамлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппарати, Қўмитанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари, шунингдек, идоравий ташкилотларнинг тасдиқланган тузилмасига зарур ҳолларда бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони доирасида уларнинг биридан бошқасига штат бирликларини олиб бериш йўли билан ўзгартиришлар киритиш”;

тўққизинчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2022 йил 1 августдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашуви ва қўшиб олиниши бўйича битимлар, шунингдек шахс ва шахслар гурӯҳи томонидан хўжалик юритувчи субъект устав капитали (фонди)даги акциялар (улушлар)ни сотиб олиш бўйича

битимларга дастлабки розилик бериш учун битим тарафларининг охири календарь йилда товарларни реализация қилишдан олинган тушумининг (тушум мавжуд бўлмаган тақдирда – активлар баланс қийматининг) 0,05 фоизи, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан кам бўлмаган ва минг бараваридан кўп бўлмаган миқдорда йиғим ундирилади”;

в) 6-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“рақобат, табиий монополиялар ҳақидаги қонунчиликни бузганлик ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси кўрсатмаларини бажарилмаганлик учун Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларидан қонунчиликда белгиланган тартибда ундириладиган маъмурий жарима маблағлари”;

ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун Давлат бюджетига йўналтирилган молиявий жарималар суммасининг Жамғармага қайтариладиган 50 фоизи”;

г) 7-бандда:

биринчи хатбоши “Жамғарма маблағлари” сўзларидан кейин “Қўмита раиси томонидан бошқарилади ва қуйидаги мақсадлар учун сарфланади” сўзлари билан тўлдирилсин;

бешинчи хатбошидан “сарфланади” сўзи чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги олтинчи – ўнинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“рақобатни ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида илмий ва бошқа тадқиқот ва изланишларни молиялаштиришга;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида назорат харидларини амалга оширишга;

рақобатни ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ўқув тадбирлари, анжуманлар, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга;

ташкиллаштириладиган халқаро тадбирлар, шу жумладан давлат тадбирлари доирасида хорижий делегациялар ва экспертлар ташрифлари билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга;

рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бошқа йўналишларга”;

д) 14-банддаги “судларга кўриб чиқиш учун киритиладиган даъволар” сўзлари “судларда кўриб чиқиладиган барча ишлар ҳамда ҳужжатлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 мартдаги “Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4642-сон қарори 6-бандининг “а” кичик банди иккинчи хатбошисидан “ташқи реклама объектларида (конструкцияларида) ташқи рекламани жойлаштириш (тарқатиш) ҳуқуқи учун ойлик йиғим,” сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 402-сон қарорида:

1) 1-илованинг 16-банди қўйидаги мазмундаги йигирма тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси томонидан мустақил равишда икки нафаргача малакали маҳаллий мутахассислар маслаҳатчилар сифатида бир йил муддатгача жалб қилиниши мумкин, қолган ҳолларда мутахассисларни жалб қилиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади”;

2) 2-иловада:

а) 3-бандда:

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“рақобат, табиий монополиялар ҳақидаги қонунчиликни бузганлик ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси кўрсатмаларини бажармаганлик учун Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларидан қонунчиликда белгиланган тартибда ундириладиган маъмурий жарима суммалари — 100 фоиз миқдориди”;

тўққизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун Давлат бюджетига йўналтирилган молиявий жарималар суммасининг Жамғармага қайтариладиган 50 фоизи”;

б) 6-бандда:

тўртинчи хатбошидаги “қўмитаси ва” сўзи “қўмитасининг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари ҳамда” сўзлари билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги олтинчи – ўн бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“рақобатни ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида илмий ва бошқа тадқиқот ва изланишларни молиялаштиришга;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида назорат харидларини амалга оширишга;

ҳудудий бошқармалардан қўмита Марказий аппаратига доимий ишлаш учун жалб этиладиган Тошкент шаҳрида турар жойи мавжуд бўлмаган бошқарув ходимларига Тошкент шаҳрида ижара асосида яшаши учун ижара тўловларини ижара шартномаси асосида тўлашга;

рақобатни ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ўқув тадбирлари, анжуманлар, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга;

ташқиллаштириладиган халқаро тадбирлар, шу жумладан давлат тадбирлари доирасида хорижий делегациялар ва экспертлар ташрифлари билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга;

илмий-техник ва илмий-методик адабиётлар (шу жумладан, даврий нашрлар, рисоалар, буклетлар, китоблар, тўпламлар ва бошқа ахборот-маърифий материаллар)ни тайёрлаш ва нашр қилиш, шунингдек, рақобатни ва истеъмолчиларни ҳимоя қилиш соҳасида видеороликлар ва тақдимот материалларини яратишга сарфланган харажатларни ва уларни оммавий ахборот воситаларида доимий ёритиб бориш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга;

Қўмитанинг касаба уюшмаси қарори асосида Қўмита марказий аппарати ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини, шунингдек, байрам саналарида ва касб байрамида маданий-маърифий тадбирларни молиялаштиришга;

“Ахборот технологияларини жорий этиш маркази” давлат унитар корхонаси фаолиятини сақлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларида (топшириқларида) белгиланган тадбирларни молиялаштириш учун “Ахборот технологияларини жорий этиш маркази” давлат унитар корхонасига ажратмалар;

нодавлат нотижорат ташкилотлар ва илмий-тадқиқот муассасаларига рақобат ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сиёсати соҳасида илмий тадқиқотларни амалга оширишни молиялаштиришга;

рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бошқа йўналишларга”;

олтинчи хатбоши ўн олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги 104-сон қарори билан тасдиқланган Ўрнатилган ташқи реклама объектлари (конструкциялари) учун тўлов миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 33-бандидан “шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги” сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомда:

а) 12-илованинг 6-позициясидаги “Базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 баравари” сўзлари “битим тарафларининг охириги календарь йилда товарларни реализация қилишдан олинган тушумининг (тушум мавжуд бўлмаган тақдирда – активлар баланс қийматининг) 0,05 фоизи, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан кам бўлмаган ва минг бараваридан кўп бўлмаган миқдорда” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 13-илованинг 6-позициясидаги “Базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 баравари” сўзлари “битим тарафларининг охириги календарь йилда товарларни реализация қилишдан олинган тушумининг (тушум мавжуд бўлмаган тақдирда – активлар баланс қийматининг) 0,05 фоизи, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан кам бўлмаган ва минг бараваридан кўп бўлмаган миқдорда” сўзлари билан алмаштирилсин.





# ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2022 yil «31» мая

№УП–145

## О дополнительных мерах по обеспечению стабильности цен на потребительских рынках и повышению действенности антимонопольных мер

В целях гарантированного обеспечения потребностей населения республики в отдельных видах продовольственных товаров, предотвращения искусственного и необоснованного завышения цен на социально значимые товары на внутреннем потребительском рынке, а также смягчения негативного влияния уровня инфляции за счет широкого применения средств тарифного и нетарифного регулирования:

**1. Определить, что в период с 1 мая 2022 года по 1 января 2023 года:**

устанавливаются нулевые ставки таможенных пошлин на ввоз товаров, указанных в приложении № 1;

в отношении товаров, происходящих из стран, торгово-экономические отношения с которыми не предусматривают режим наибольшего благоприятствования, двойная ставка таможенной пошлины не применяется.

**2. Временно запретить начиная с 1 июня 2022 года вывоз (экспорт) за пределы таможенной территории Республики Узбекистан:**

масла растительного, в том числе хлопкового, подсолнечного, за исключением случаев предоплаты в рамках действующих контрактов (договоров) до 1 июня 2022 года, а также перерабатываемого в соответствии с таможенным режимом Республики Узбекистан «переработка на таможенной территории»;

семян подсолнечника (код ТН ВЭД 1206 00), а также семян и плодов прочих масличных культур (код ТН ВЭД 1207), за исключением случаев, установленных законодательством.



Предоставить Кабинету Министров право возобновить экспорт товаров, указанных в настоящем пункте, при условии наличия достаточного объема этих товаров на внутреннем рынке.

3. Министерству экономического развития и сокращения бедности совместно с Министерством инвестиций и внешней торговли, Торгово-промышленной палатой Узбекистана, при необходимости, вносить предложения в Кабинет Министров о целесообразности изменения перечня отдельных видов продовольственных товаров (в том числе сырья, необходимого для их производства), экспорт которых временно ограничен, исходя из продовольственной безопасности, уровня обеспеченности населения страны основными видами продовольственной продукции и стабильности цен на внутреннем рынке.

4. Определить, что в период **до 1 января 2023 года** временно приостанавливаются:

ограничения на закупку государственными заказчиками импортируемых продовольственных товаров в рамках государственных закупок, предусмотренные постановлением Кабинета Министров от 29 января 2021 года № 41 «О мерах по поддержке отечественных производителей»;

порядок обязательной маркировки на государственном языке ввозимых в Республику Узбекистан продовольственных товаров.

5. Министерству экономического развития и сокращения бедности совместно с Министерством инвестиций и внешней торговли, Министерством финансов, Государственным таможенным комитетом разработать и внести в Кабинет Министров предложения:

а) **в месячный срок – по снижению ставок таможенных пошлин на непродовольственные товары** на основании рекомендаций Совета по тарифному и нетарифному регулированию;

б) **в срок до 1 августа 2022 года – по внедрению механизма дополнительного накопления и интервенции на открытый рынок основных продовольственных товаров** путем привлечения субъектов предпринимательства на свободные мощности складов, принадлежащих Комитету по управлению государственными резервами, с сохранением нормы общегосударственных резервов в случае сезонных колебаний цен и дефицита на рынке;

в) **в срок до 1 сентября 2022 года – по совершенствованию порядка установления эффективных ставок таможенных пошлин, а также определения таможенной стоимости товаров** с привлечением экспертов международных финансовых институтов и научных организаций.

6. Наделить Антимонопольный комитет и Агентство по защите прав потребителей при нем следующими дополнительными полномочиями:

а) на период **резкого колебания цен** на основные продовольственные товары:

внесение обязательных к исполнению представлений в хозяйствующие субъекты, независимо от их выручки, поступившей от реализации товаров (услуг) за последний календарный год, а также органы государственного управления, органы государственной власти на местах и объединения юридических лиц при выявлении признаков злоупотребления доминирующим положением, согласованных действий и сговора, невыставления в полном объеме и уменьшения предложения монопольной и высоколиквидной продукции, подлежащей обязательному выставлению на биржевые торги, манипуляций, воспрепятствования устойчивому функционированию товарного или финансового рынка. При этом неисполнение представления по неуважительным причинам влечет установленную ответственность за неисполнение предписаний антимонопольного органа;

непосредственный доступ в здания хозяйствующих субъектов независимо от их организационно-правовой формы и проведение инвентаризации **имеющихся запасов на складах** с целью выявления случаев необоснованного роста цен, согласованных действий и сговоров с уведомлением Уполномоченного по защите прав и законных интересов субъектов предпринимательства;

**внесение обязательных к исполнению представлений и предписаний** по снижению необоснованно завышенных цен, реализации избыточных объемов продовольственных товаров, выявленных при инвентаризации, проводимой в порядке, предусмотренном абзацем четвертым настоящего пункта.

При этом период **резкого колебания цен** на основные продовольственные товары устанавливается Кабинетом Министров на срок до 6 месяцев, при повышении цен на эти товары на величину, равную или выше основной ставки Центрального банка в период до последних 30 дней;

б) внесение предписаний производителям и продавцам о **приостановлении** производства, импорта на территорию республики, реализации, изъятии из обращения и принудительном изъятии у потребителей товаров, признанных опасными и некачественными для здоровья человека, имущества юридических и физических лиц;

**в) в торговых комплексах, сетях и на рынках, специализирующихся на торговле потребительскими товарами, выявление (изучение) и внесение обязательных к исполнению предписаний по:**

устранению неправомерных действий, направленных на манипуляции, необоснованное и искусственное повышение цен на основные продовольственные товары, создание дефицита товаров и ажиотажного спроса на них;

соблюдению установленных механизмов ценообразования на основные продовольственные товары;

устранению искусственных барьеров и ограничений входа на рынки и торговые сети.

Антимонопольному комитету **в двухмесячный срок** разработать и внести в Кабинет Министров порядок осуществления дополнительных полномочий, указанных в настоящем пункте.

**7. Создать в центральном аппарате Антимонопольного комитета Департамент по мониторингу цен на потребительских рынках со штатной численностью 12 единиц и в территориальных управлениях Антимонопольного комитета – отделы по мониторингу цен на потребительских рынках со штатной численностью 42 единицы и определить их основными задачами проведение анализа цен потребительских товаров на внутреннем рынке, импортной концентрации, влияния тарифных и нетарифных мер на цены и обеспечение конкуренции в торговой деятельности.**

При этом данные штатные единицы выделяются за счет сокращенных штатных единиц органов юстиции в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 17 марта 2022 года № УП–89 «О мерах по дальнейшему повышению эффективности деятельности органов и учреждений юстиции в обеспечении прав и свобод граждан, а также в оказании правовых услуг».

**8. Одобрить предложения Антимонопольного комитета и Министерства финансов, предусматривающие:**

а) перечисление средств в размере 50 процентов суммы финансовых санкций, взысканных в Государственный бюджет за нарушение требований актов законодательства о конкуренции, во внебюджетный Фонд содействия развитию конкуренции при Антимонопольном комитете.

При этом Министерство финансов по итогам каждого месяца до 10-го числа месяца, следующего за отчетным, по запросу Антимонопольного комитета перечисляет 50 процентов суммы финансовых санкций, взысканных в Государственный бюджет за нарушение требований актов законодательства о конкуренции, во внебюджетный Фонд содействия развитию конкуренции при Антимонопольном комитете;

б) создание государственного унитарного предприятия «Центр внедрения информационных технологий» при Антимонопольном комитете.

При этом источниками финансирования деятельности ГУП «Центр внедрения информационных технологий» определить доходы, полученные от его основной деятельности, средства внебюджетного Фонда содействия развитию конкуренции при Антимонопольном комитете и иные источники, не запрещенные законодательством.

**9.** Утвердить перечень государственных органов и организаций, базы данных которых разрешается использовать Антимонопольному комитету и Агентству по защите прав потребителей при нем в режиме реального времени, согласно приложению № 2.

Министерству по развитию информационных технологий и коммуникаций совместно с Антимонопольным комитетом обеспечить интеграцию баз данных государственных органов и организаций, указанных в приложении № 2 к настоящему Указу, в информационную систему Антимонопольного комитета.

**10.** Внести изменения и дополнения в некоторые акты Президента Республики Узбекистан и Правительства Республики Узбекистан согласно приложению № 3.

**11.** Антимонопольному комитету совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами в трехмесячный срок внести предложения об изменениях и дополнениях в акты законодательства, вытекающих из настоящего Указа.

**12.** Возложить на председателя Антимонопольного комитета Шарахметова Ш.Ш. и министра финансов Ишметова Т.А. персональную ответственность за эффективную организацию исполнения настоящего Указа.

Обсуждение хода исполнения настоящего Указа, осуществление координации и контроля за деятельностью ведомств, ответственных за его исполнение, возложить на заместителей Премьер-министра Кучкарова Д.А. и Умурзакова С.У.

О результативности осуществляемых мер информировать Президента Республики Узбекистан в срок до конца 2022 года.

**Президент  
Республики Узбекистан**



**Ш. Мирзиёев**

город Ташкент

Приложение № 1  
к Указу Президента Республики Узбекистан  
от 31 мая 2022 года № УП-145

**ПЕРЕЧЕНЬ**  
**товаров, на ввоз которых с 1 мая 2022 года до 1 января 2023 года**  
**устанавливаются нулевые ставки таможенной пошлины**

№	Код ТН ВЭД	Наименование товара
1.	0206	Пищевые субпродукты крупного рогатого скота, овец, коз, лошадей, мулов или лошаков, свежее, охлажденное, замороженное
2.	0301 - 0303	Рыба
3.	0304	Филе рыбное
4.	0305	Рыба сушеная, соленая или в рассоле;
5.	0402	Молоко и сливки, сгущенные или с добавлением сахара или других подслащивающих веществ
6.	0405	Сливочное масло и прочие жиры и масла, изготовленные из молока; молочные пасты
7.	0407	Яйца птиц, в скорлупе, свежие, консервированные или вареные
8.	0803	Бананы, включая плантайны, свежие или сушеные
9.	0805 (кроме 0805 50 100 0)	Цитрусовые плоды, свежие или сушеные (кроме лимона)
10.	0901	Кофе, жареный или нежареный, с кофеином или без кофеина; кофейная шелуха и оболочки зерен кофе; заменители кофе, содержащие кофе в любой пропорции
11.	0902 10 000 1, 0902 30 000 1	Чай в первичных упаковках нетто-массой не более 3 кг в одноразовой упаковке
12.	0902 10 000 9, 0902 30 000 9	Прочий чай в первичных упаковках нетто-массой не более 3 кг
13.	1507	Масло соевое и его фракции, нерафинированные или рафинированные, но без изменения химического состава
14.	1508	Масло арахисовое и его фракции, нерафинированные или рафинированные, но без изменения химического состава
15.	1511	Масло пальмовое и его фракции, нерафинированные или рафинированные, но без изменения химического состава
16.	1514	Масло рапсовое (из рапса, или кользы) или горчичное и их фракции, нерафинированные или рафинированные, но без изменения химического состава

№	Код ТН ВЭД	Наименование товара
17.	1516	Жиры и масла животные или растительные и их фракции, полностью или частично гидрогенизированные, переэтерифицированные, реэтерифицированные или элаидинизированные, нерафинированные или рафинированные, но не подвергнутые дальнейшей обработке
18.	1517	Маргарин; пригодные для употребления в пищу смеси или готовые продукты из животных или растительных жиров или масел или фракций различных жиров или масел данной группы, кроме пищевых жиров или масел или их фракций товарной позиции 1516
19.	1901	Экстракт солодовый; готовые пищевые продукты из муки тонкого или грубого помола, крупы, крахмала или солодового экстракта, не содержащие какао или содержащие менее 40 мас.% какао в пересчете на полностью обезжиренную основу, в другом месте не поименованные или не включенные; готовые пищевые продукты из сырья товарных позиций 0401–0404, не содержащие или содержащие менее 5 мас.% какао в пересчете на полностью обезжиренную основу, в другом месте не поименованные или не включенные
20.	1903 00 000 0	Тапиока и ее заменители, приготовленные из крахмала, в форме хлопьев, гранул, шариков, крупинок или в других аналогичных формах
21.	1904	Готовые пищевые продукты, полученные путем вздувания или обжаривания зерна злаков или зерновых продуктов (например, кукурузные хлопья); злаки (кроме зерна кукурузы) в виде зерна или в виде хлопьев или зерна, обработанного иным способом (за исключением муки тонкого и грубого помола, крупы), предварительно отваренные или приготовленные иным способом, в другом месте не поименованные или не включенные
22.	2102 10 310 0, 2102 10 390 0	Дрожжи пекарные

**ПЕРЕЧЕНЬ**  
**государственных органов и организаций, базы данных которых**  
**Антимонопольному комитету и Агентству по защите прав потребителей**  
**при нем разрешается использовать в режиме реального времени**

1. Министерство финансов Республики Узбекистан
2. Министерство экономического развития и сокращения бедности Республики Узбекистан
3. Агентство по управлению государственными активами Республики Узбекистан
4. Министерство строительства Республики Узбекистан
5. Министерство инвестиций и внешней торговли Республики Узбекистан
6. Министерство юстиции Республики Узбекистан
7. Министерство транспорта Республики Узбекистан
8. Министерство сельского хозяйства Республики Узбекистан
9. Министерство водного хозяйства Республики Узбекистан
10. Государственный комитет ветеринарии и развития животноводства Республики Узбекистан
11. Государственный налоговый комитет Республики Узбекистан
12. Государственный таможенный комитет Республики Узбекистан
13. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике
14. Государственный комитет Республики Узбекистан по экологии и охране окружающей среды
15. Агентство по карантину и защите растений Республики Узбекистан
16. Агентство по кадастру при Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан
17. Узбекское агентство по техническому регулированию при Министерстве инвестиций и внешней торговли Республики Узбекистан
18. Агентство по развитию фармацевтической отрасли Республики Узбекистан
19. Агентство по развитию страхового рынка при Министерстве финансов Республики Узбекистан
20. Министерство жилищно-коммунального обслуживания Республики Узбекистан
21. ГУП «Fond bozorining axborot-resurs markazi»
22. АО «Региональные электрические сети»



23. АО «Худудгазтаъминот»
24. АО «Узсувтаъминот»
25. АО «Узбекская республиканская товарно-сырьевая биржа»

*\* Доступ в режиме реального времени к базе данных предоставляется без права вмешательства в функции программного комплекса и состав базы данных.*

**Изменения и дополнения, вносимые в некоторые акты  
Президента Республики Узбекистан и Правительства Республики  
Узбекистан**

1. В Указе Президента Республики Узбекистан от 8 апреля 2022 года № УП–101 «Об очередных реформах по созданию условий для стабильного экономического роста путем улучшения предпринимательской среды и развития частного сектора»:

а) в пункте 5:

в абзаце шестом подпункта «б» слова «в месячный срок» заменить словами «в срок до 1 июля 2022 года»;

в абзаце пятом подпункта «в» слова «в двухмесячный срок» заменить словами «в срок до 1 июля 2022 года»;

б) в графе «Сроки исполнения» позиций 11 и 12 приложения № 9 слово «июня» заменить словом «июля».

2. В постановлении Президента Республики Узбекистан от 24 января 2019 года № ПП–4126 «Об организации деятельности Антимонопольного комитета Республики Узбекистан»:

а) в пункте 2:

в абзаце первом цифры «242» и «75» заменить соответственно цифрами «401» и «96»;

дополнить абзацем девятым следующего содержания:

«внести изменения в утвержденную структуру центрального аппарата Антимонопольного комитета, территориальных управлений Комитета в Республике Каракалпакстан, областях и городе Ташкенте, а также ведомственных организаций, при необходимости, путем перевода штатных единиц из одной в другую в пределах общей численности их управленческого персонала»;

абзац девятый считать абзацем десятым;

б) пункт 5 изложить в следующей редакции:

«5. Установить порядок, в соответствии с которым с 1 августа 2022 года за выдачу предварительного согласия на сделки по слиянию и присоединению хозяйствующих субъектов, а также на сделки по приобретению лицом и группой лиц акций (долей) в уставном капитале (фонде) хозяйствующего субъекта взимается сбор в размере 0,05 процента выручки от реализации товаров за последний календарный год (в случае отсутствия выручки – балансовой стоимости активов) сторон сделки, но не менее семикратного и не более тысячекратного размера базовой расчетной величины»;

в) в пункте 6:

абзац третий изложить в следующей редакции:

«средства, поступившие от административных штрафов, взыскиваемых Антимонопольным комитетом в установленном законодательством порядке с должностных лиц хозяйствующих субъектов за нарушение законодательства о конкуренции, естественных монополиях и невыполнение предписаний Антимонопольного комитета»;

абзац десятый изложить в следующей редакции:

«50 процентов от суммы финансовых санкций, направленных в Государственный бюджет за нарушения требований законодательства о конкуренции, возвращаемых в Фонд»;

г) в пункте 7:

абзац первый изложить в следующей редакции:

«Определить, что средства Фонда управляются председателем Комитета и расходуются на следующие цели»;

дополнить абзацами шестым – десятым следующего содержания:

«финансирование научных и других исследований и изысканий в сфере защиты конкуренции и прав потребителей;

осуществление контрольных закупок в сфере защиты прав потребителей;

финансирование расходов, связанных с участием в учебных мероприятиях, конференциях, семинарах и других мероприятиях в сфере защиты конкуренции и прав потребителей;

финансирование расходов, связанных с визитами иностранных делегаций и экспертов в рамках организуемых международных мероприятий, в том числе государственных;

другие направления, связанные с развитием конкуренции и защитой прав потребителей»;

д) в пункте 14 слова «искал, вносимым на рассмотрение судов» заменить словами «всем делам и документам, рассматриваемым в судах».

**3.** Абзац второй подпункта «а» пункта 6 постановления Президента Республики Узбекистан от 17 марта 2020 года № ПП–4642 «О мерах по широкому внедрению цифровых технологий в городе Ташкенте» изложить в следующей редакции:

«средства, поступающие от выдачи паспортов рекламных мест для объектов внешней рекламы, а также средства, выплачиваемые по итогам электронного аукциона на право строительства объектов наружной рекламы в городе Ташкенте (за вычетом суммы, выплачиваемой организатору за проведение аукционных торгов)».

**4.** В тексте на государственном языке постановления Кабинета Министров от 15 мая 2019 года № 402 «О мерах по организации деятельности Антимонопольного комитета Республики Узбекистан»:

1) пункт 16 приложения № 1 дополнить абзацем двадцать девятым следующего содержания:

«Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси томонидан мустақил равишда икки нафаргача малакали маҳаллий мутахассислар маслаҳатчилар сифатида бир йил муддатгача жалб қилиниши мумкин, қолган ҳолларда мутахассисларни жалб қилиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади»;

2) в приложении № 2:

а) в пункте 3:

абзац третий изложить в следующей редакции:

«рақобат, табиий монополиялар ҳақидаги қонунчиликни бузганлик ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси кўрсатмаларини бажармаганлик учун Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларидан қонунчиликда белгиланган тартибда ундириладиган маъмурий жарима суммалари — 100 фоиз миқдорида»;

абзац девятый изложить в следующей редакции:

«рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун Давлат бюджетига йўналтирилган молиявий жарималар суммасининг Жамғармага қайтарилдиган 50 фоизи»;

б) в пункте 6:

в абзаце четвертом слово «қўмитаси ва» заменить словами «қўмитасининг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари ҳамда»;

дополнить абзацами шестым – пятнадцатым следующего содержания:

«рақобатни ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида илмий ва бошқа тадқиқот ва изланишларни молиялаштиришга;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида назорат харидларини амалга оширишга;

ҳудудий бошқармалардан қўмита Марказий аппаратига доимий ишлаш учун жалб этиладиган Тошкент шаҳрида турар жойи мавжуд бўлмаган бошқарув ходимларига Тошкент шаҳрида ижара асосида яшаши учун ижара тўловларини ижара шартномаси асосида тўлашга;

рақобатни ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ўқув тадбирлари, анжуманлар, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш билан боғлиқ ҳаражатларни молиялаштиришга;

ташқиллаштириладиган халқаро тадбирлар, шу жумладан давлат тадбирлари доирасида хорижий делегациялар ва экспертлар ташрифлари билан боғлиқ ҳаражатларни молиялаштиришга;

илмий-техник ва илмий-методик адабиётлар (шу жумладан, даврий нашрлар, рисоалар, буклетлар, китоблар, тўпламлар ва бошқа ахборот-маърифий материаллар)ни тайёрлаш ва нашр қилиш, шунингдек, рақобатни ва истеъмолчиларни ҳимоя қилиш соҳасида видеороликлар ва тақдимот материалларини яратишга сарфланган ҳаражатларни ва уларни оммавий ахборот воситаларида доимий ёритиб бориш билан боғлиқ ҳаражатларни молиялаштиришга;

Қўмитанинг касаба уюшмаси қарори асосида Қўмита марказий аппарати ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини, шунингдек, байрам саналарида ва касб байрамида маданий-маърифий тадбирларни молиялаштиришга;

“Ахборот технологияларини жорий этиш маркази” давлат унитар корхонаси фаолиятини сақлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларида (топшириқларида) белгиланган тадбирларни молиялаштириш учун “Ахборот технологияларини жорий этиш маркази” давлат унитар корхонасига ажратмалар;

нодавлат нотижорат ташкилотлар ва илмий-тадқиқот муассасаларига рақобат ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сиёсати соҳасида илмий тадқиқотларни амалга оширишни молиялаштиришга;

рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бошқа йўналишларга»;

абзац шестой считать абзацем шестнадцатым.

5. В тексте на государственном языке из пункта 33 Положения о порядке определения размера платежа для установленных объектов (конструкций) наружной рекламы, утвержденного постановлением Кабинета Министров от 20 февраля 2020 года № 104, слова «шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» исключить.

6. В тексте на государственном языке Единого положения о процедурах выдачи отдельных документов разрешительного характера через специальную электронную систему, утвержденного постановлением Кабинета Министров от 22 февраля 2022 года № 86:

а) в позиции 6 приложения № 12 слова «Базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 баравари» заменить словами «битим тарафларининг охирги календарь йилда товарларни реализация қилишдан олинган тушумининг (тушум мавжуд бўлмаган тақдирда – активлар баланс қийматининг) 0,05 фоизи, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан кам бўлмаган ва минг бараваридан кўп бўлмаган миқдорда»;

б) в позиции 6 приложения № 13 слова «Базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 баравари» заменить словами «битим тарафларининг охирги календарь йилда товарларни реализация қилишдан олинган тушумининг (тушум мавжуд бўлмаган тақдирда – активлар баланс қийматининг) 0,05 фоизи, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан кам бўлмаган ва минг бараваридан кўп бўлмаган миқдорда».

